

Шаҳриёр Сафаров

**ТАРЖИМАШУНОСЛИКНИНГ  
КОГНИТИВ АСОСЛАРИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛAT ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF UZBEKISTAN  
SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

Шахриёр Сафаров  
Shakhriyor Safarov

**ТАРЖИМАШУНОСЛИКНИНГ  
КОГНИТИВ АСОСЛАРИ**

**COGNITIVE BASIS OF TRANLATION  
STUDIES**

Тошкент – 2019  
Tashkent – 2019

УЎК 542.24.(18)  
КБК 81.09 (Ўзб)  
С-17

Сафаров Шаҳриёр. Таржимашуносликнинг когнитив асослари. Монография. - Тошкент: «Наврӯз» нашриёти, 2019. - 300 бет.

Мазкур монография таржимашунослик фанининг долзарб муаммолари муҳокамасига бағишиланган. Ишда асосий зътибор таржима назариясининг инсон онги фаолияти, унинг оламни яратиш жараённида акс топиши билан боғлиқ ҳодисалар таҳлилига қаратилган. Аслият ва таржима матни ўртасида турли кесимларда кечадиган муносабатлар, мазмуннинг лисон-маданий ҳодиса эканлиги ва унинг тиллараро муносабатлар доирасида қайта шаклланishi каби қатор масалалар замонавий когнитология нуқтаси назаридан ёритилмоқда. Шунингдек, таржима амалиёти моделлари, таржимоннинг лисоний-тафаккур фаолиятини таъминловчи турли кўринишдаги омиллар ва уларни ҳаракатга келтирувчи механизмлар, таржима шахси қобилиягини шакллантирувчи қатламлар тадқиқ-тавсифи кўп жиҳатдан илк бор муҳокамага қўшилаётган бўлиб, уларнинг ўрганилиши таржима умумий назариясининг истиқболдаги "шахдам қадами"га ҳисса қўшишига ишониш мумкин.

Монография таржима илми билан шуғулланишини орзу қилган барча изланувчиларга, таржима амалиёти самарасини ошириш измida бўлган касб эгаларига мўлжалланмоқда.

Маъсул муҳаррир: М.Холбеков, ф.ф.д., проф.

Тақризчилар: Р.Ширинова, ф.ф.д., проф. (ЎзМУ);  
F.Рахимов, ф.ф.д., проф (ЎзДЖТУ);  
Н.Насруллаева, ф.ф.д., проф  
(СамдЧТИ)

Самарқанд давлат чет тиллар институти Илмий Кенгashi томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-565-22-7

© Ш. Сафаров, 2019  
© «Наврӯз» нашриёти, 2019

Мазкур нашрни ўз даврининг

забардаст тилшунослари бўлишган,

инсоний хислатларни доимо

улуглашган акахон ҳамкасларим

Абдузухур Абдуазизов,

Сотиболди Раҳимов ва

Ўтқир Юсуповларнинг

ёрқин хотирасига бағишлийман.

Яратган уларни жаннатда ўз

васлига етказгани рост бўлсин!

## МУҚАДДИМА

Инсон оңгли фаолиятининг меваси бўлган таржима инсоният тарихида, унинг ривожида катта ролни ўтагаилиги барча томонидан эътироф этилган. Таржимасиз иқтисодий тараққиёт, миллатлар ўртасидаги ижтимоий-маданий алоқалар забардастлашуви, диний толерантлик муҳимлашуви, энг асосийси, илм-фан тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Шарқу-Фарбда яшаб ўтган алломаларнинг аксарияти таржима амалиёти билан шуғулланганлар. Халқпарвар, миллат равнақини мақсад қилган хукмдорлар олиму-фузолаларни ўз атрофига йиғиб, уларга таржима билан машғул бўлиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилганлар. Натижада, турли юртларда ташкил топган таржимонлик мактаблари, уюшмалари бир тилда яратилган илмий асарларни умуминсоний мулкка айланишига, бир маданиятта хос санъат ва бадият намунасини бошқа маданият доирасида ҳам ўз қадрини топишига катта ҳисса қўшганлар. Чунончи, саккизинчи асрдан бошлаб Испаниянинг Кордова, Мадрид, Севилья, Толедо каби шаҳарлари ислом маданияти таъсирида гуркираб ривожлангани кўпчиликка маълум. Зоро, бу ҳудудларга фалсафий таълимотлар, тиббиёт ютуқлари, фалакшунослик ва математик илмлар, жуғрофия, минералогия ва бошқа соҳаларга оид билимлар етиб келди. Буларнинг барчаси таржима амалиётининг ёйилиши натижасидир. XI аср охирларида Толедо шаҳрига бостириб киришган насроний ҳарбийлари бир ҳайрон қоларли воқелик гувоҳи бўлишган. Улар насроний, яхудий ва мусулмон динларига мансуб шахслар кутубхоналарга тўпланишиб, туну-кун қадимий қўлёзмалар таржимаси билан банд эканлигини кўришади. Юнон, иврит, форс, паҳлавий ва санскрит тилидаги китоблар аввал араб тилига ўгирилиб, кейин эса, испан ва лотин тилларига ағдарилган. Буюк ватандошимиз Абу Райхон Беруний айтганидек, “бутун дунёдан тўпланган илму-фан намуналари араб тилига

таржима қилиниб, қайта ишланди ва тавсифланди ҳамда инсонлар қалбидан жой топди” (Wilson 1973: 66).

Ҳақиқатдан ҳам ислом дунёси олимлари қадимий матнларни оддийгина таржима қилиш билан чегаранланмасдан, уларга шарҳлар битдилар ва улар асосида янги илмий ғояларни яратдилар. Айнан мусулмон шаҳарларида талаб даражасида йўлга қўйилган таржима фаолияти олами билиш учун хизмат қилди ҳамда “мусулмон ренесанси” деб аталган даврнинг бошланишига туртки берди.

Эътироф этиш лозимки, мусулмон мамлакатларида турли фан соҳалари ривожида қадимги юнон маданиятининг таъсири алоҳида. Юнон мутаффакирларининг асарлари араб тилига ағдарилиши ва турли ҳудудларда тарқалиши, сўзиз, маданиятлараро алоқаларнинг изчил тараққиёти, илфор илмий ғоялар шаклланишининг сабабларидан бирига айланди. Бунинг исботини биз Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Фаробий, Маҳмуд Замаҳшарий каби буюк аждодларимиз ижоди, таржимачилик фаолиятида яққол кўришимиз мумкин. Платон, Аристотель, Эпикур, Зенон, Евклид, Птоломей, Порфирий каби эллин донишмандларининг асарларини араб тилига таржима қилиб, уларга шарҳлар битишган ҳамда эпикурчилар, стоиклар, пифагорчилар мактаблари ғояларини танқидий ўрганган бу алломалар Марказий Осиёда ўзига хос табиий-илмий ва фалсафий-гуманитар билимлар шаклланишига чексиз ҳисса қўшдилар. Минтақамиз маданияти тараққиётининг билимдонларида ҳисобланадиган Фредрик Старрнинг қайдича, мумтоз юнон тилидан таржима қилинган асарлар “марказий осиёликлар учун кутилмаганда фалсафа ва илм соҳасида янги, ўрганилмаган ғоялар оламини очиб берди. Вакт ўтиши билан улар бу жиҳатларни эгаллаб, мазкур соҳаларда ҳатто қадимий юнон мутаффакирларидан ҳам чукуурроқ изланишлар олиб бордилар” (Старр 2014: 54).

Америкалик профессорнинг “кутилмаганда” деган таъкидига қўшилиш, албатта, қийин (чунки “Авесто”дек буюк асар соҳиби бўлган халқ Старрнинг ўзи айтатётганидек,

## I БОБ

### ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИННИГ МЕТОДОЛОГИК ПОЙДЕВОРИ

Жозеф Граҳам «таржима соҳасида кўп ишлар ёзилаётган бўлса-да, лекин уларнинг назарий моҳияти жуда ҳам паст» эканлигини ва ёзилаётганлар маълум даражада амалиётга ёрдам берса-да, бироқ таржимашунослик учун зарур бўлган изчил ҳамда мантиқан аниқ назарияни шакллантира олмаётганлигини қайд этган эди (Graham 1981:23). Ж.Граҳамнинг ушбу қайди бундан қирқ йиллар олдин айтилган бўлса-да, афсуски, ҳозиргача аҳвол у қадар ўзгармасдан қолмоқда. Қаламни юргизаётib, муҳтарам ҳамкасларимнинг эътирози ҳам қулоғимга чалиниб турибди. Зотан ўтган шу давр мобайнида “Таржима назарияси” сарлавҳаси билан кўплаб ишлар нашр қилинди, шужумладан, Ўзбекистонда ҳам: Саломов 1983; Саломов 2016; Мусаев 2005; Раҳимов 2016; Фофуров, Мўминов, Қамбаров 2012 ва бошқалар.

Сиз ҳақсиз, “таржима назарияси” атамаси кенг кўламда кўлланиладиган тушунчалар қаторидан аллақачон ўз ўрнини топган. Бироқ тушунчанинг англашда умумийлик йўқдек. “Назария” лафзини эшигланинг кўпчилигида “мавхумлик” ассоциацияси туғилади. Тўғри, ҳар бир таълимот, соҳанинг “мантиқий абстракт фикрлаш йўли билан ишлаб чиқилган асослари” (ЎТИЛ, З жилд:10) бўлиши шарт, факат ушбу асослар яратилиши учун объект диққат билан кузатилиши ҳамда ўрганилиши лозим. Шундагина “амалиёт синовларидан муваффақиятли ўтган, маълум бир тизимга киритилган илмий қарашлар мажмуи: тушунчалар ва хукмлар каби воқеликнинг инсон онгидаги инъикоси” (Фалсафа:294) ҳосил бўлиши мумкин. Демак, таржима назарияси кечётган жараёнлар ва уларнинг маҳсулотларини кузатишга таяниб, таржима фаолиятини ўрганиш учун зарур бўлган асосни, тамойиллар доирасини тақдим этиши керак.

Бегумон, таржиманинг назарий масалаларида доир фикрлар қадимдан билдириб келинган ва уларнинг баъзилари фан тараққиётига муҳим ҳисса қўшган бўлса-да, аммо улар ҳам ўзаро боғланмаган, умумий назария сифатида қабул қилишга яроқли ғоя даражасигача пишиб етмаган эди. Натижада, таржимашунослик мувофиқликка етишмаган фикр, баёнлар тўплашдан иборат бўлиб қолиш хавфига яқинроқ эди. Айрим тадқиқотчилар, хатто, таржимашуносликни Artrad (таржима саънати), Pedogitrod (таржима таълими), Theoritrad Linguitrad (таржима лингвистик назарияси), Stylitrad (таржиманинг стилистик асослари), Ordinotrad (машина таржимаси) каби йўналишларга тақсимлаш измида бўлдилар (Vinay 1975). Бундай турли туманлик таржиманинг умумлаштирилган ёки интегратив назариясини яратишга тўсиқ қўйиши муқаррар. Зотан, қарашлар ва талқинлардаги тизимсизлик методологик асосдаги нотурғунлик ёки ушбу асосга умуман эга бўлмаслиқдан дарак беради.

Методологик нотурғунликнинг пайдо бўлиш сабаблари турлича ва булардан бири – сарҳаддош соҳалар билан муносабатнинг аниқ эмаслигидир. Сарҳаддошлардан энг яқини тилшунослик эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бу яқинликни баъзилар умумийликка, предметлар ягоналигига йўймоқчи бўлганлари эса бехуда урунишдан бошқа нарса эмас. Асли москвалик, кейинчалик Ғарбдан бошпана излаган Игорь Мельчук, тил назарияси ва таржима назариясини қиёслаётib, “иккаласи ягона бир фанни ташкил қиласи”, деган ғояни ҳаммага уқтироқчи бўлганини эслашнинг ўзи кифоя (Mel'chuk 1978:296). Дастрлабки назарда, таржимашуносликнинг предмети кўп жиҳатдан тилшунослик фани предмети доирасига кирадигандек кўринади. Аслида иккى соҳа бир-бирига қанчалик яқин бўлмасин, лекин уларнинг бири иккинчисини такрорламайди. Уларнинг ўхшашлиги, масалан, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик бир хилда қиёсий таҳлил методларидан фойдаланишида кўринадигандек, алоҳида бир таҳлил методи

турли соҳаларда кўлланиши мумкинлиги фан методологиясида таъқиқланмайди, бироқ ушбу метод қандай материал таҳдилига татбиқ этилаётгани мухимдир. Чоғиштирма тилшуносликка икки ёки ундан ортиқ тиллар фонетик, лексик, грамматик тизимларининг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш вазифаси юқлатилади ва бунда тил тизимини алоҳида сатҳларга ажратиш методологик жиҳатдан таянч нуқта ҳисобланади. Таржима назариясида эса таҳлил материали ёзма ёки оғзаки лисоний фаолият маҳсулни – матндири ва алоҳида сатҳларга оид тил бирликлари таҳдилга тортилмайди. Чунончи, замон категориясининг чоғиштирма ўрганилишини оладиган бўлсак, бу ҳолда қиёсий тилшунослик ушбу категориянинг ифода планига, яъни у ёки бу тилдаги морфологик формалар тўпламига эътиборни қаратади. Таржимашунослик учун сатҳларнинг ички имкониятлари ва ўзаро муносабатлари қизиқарли эмас, таржима таҳлили тил тизимидан ташқарига чиқишини ёқтиради ҳамда таҳлил объекти сифатида матн доирасида кечётган жараёнларни, турли динамик мослашувлар ва кўчимларни танлайди. Равшанки, таржима назариясида мўлжалланаётган вазифалар тилшуносликдагидан батамом бошқача ва булардан энг мухимлари: таржима жараёнини ҳаракатга солувчи механизмларни аниқлаш; таржима фаолиятида қарор қабул қилишнинг мантиқий асосини белгилаш; таржимага таъсир кўрсатувчи омилларни ажратиш ва уларнинг маҳсулот шаклланишидаги ҳиссасини фарқлаш.

Дарҳақиқат, таржима назарияси ва тилшуносликни яқинлаштирадиган объектлардан бири матндири. Матн ҳар иккала соҳада таҳлил объекти бўла олади. Аммо бундай яқинлик изоҳини хаддан ошириб юбораётганлар ҳам йўқ эмас. Яқинда бир гурӯҳ назариётчилар матн ҳодисаси таржимашуносликда учта мустақил қўринишда ўрганилиши лозимлигини барчамизга уқтиришга ҳаракат қилиб кўрдилар. Булар “лисоний матн” (языковой текст) ва “глобал белги қўринишдаги матн” (текст как глобальный знак) эмиш. Лингвосемиотикадаги тил, нутқ ва лисоний белги

фарқланиши анъанасига асосланган ушбу тақсимотнинг мақсади шахсан менга номаълум. Тақсимот ғоясининг муаллифлари ўз хulosаларини қуидагича шарҳламоқчилар: таржимон лисоний матнни ўгирса, сўз матннинг фактуал мазмуни ҳақида кетар эмиш-у, “нутқий матн”да коммуникатив мазмун акс топар экан. Охирги қўринишдаги матн эса нутқий тузилманинг қабул қилинган шакли сифатида тасвирланади. Дастребки икки ҳолатда лисон ва маъно ҳамда нутқ ва коммуникация муносабати олдинги ўринга чиқса, учинчисида эса таржима қилинаётган маънони босқичма-босқич ўгириш ҳамда уни лисоний белгилар воситасида воқелантириш назарга тутилади.

Ушбу назариянинг кучсиз томонлари, энг аввало, таржима жараёнининг турли босқичлари муносабатини жуда ҳам оддий қўринишда тасвирланиши билан боғлиқ. Таржима жараёнини маъно-мазмунни тўғридан-тўғри, ҳеч қандай тўсиқларсиз лисоний шакл тўри билан қоплаш тасвирида кўриб бўлмайди.

Илмий матнларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритишга ҳаракат қилган Л.М.Алексеева, таржиманинг семиотик моҳиятини таъкидлаётib, таржима жараёнини бир томонлама ҳаракат, яъни аслият матнининг мутаржимга таъсири йўналишида талқин қилиш анъанасидан воз кечиш лозимлигини қайд этади. Муаллиф таржима фаолиятини “матн ва таржимоннинг ўзаро таъсирини намоён қилувчи жараён” сифатида тасвирлашни маъкуллайди. Ушбу ўзаро таъсирининг табиати ва даражаси матннинг қайси турга оидлигига боғлиқ (Алексеева 2002:10).

Айтилган фикрнинг умуман тўғри эканлигини эътироф этиш билан биргаликда, ўзаро муносабат таъсири таржимон шахси билан чегараланиб қолмаслигини эслатмоқчиман. Таржима жараёнида юзага келадиган ўзаро муносабатлар мұхитидә аслият муаллифи ҳамда таржимани қабул қилувчи шахс-ўқувчининг иштироки, яширин бўлса-да, ўз аксини топмасдан қолмоқда. Шунинг билан биргаликда, ҳар бир таъсирининг ушбу мұхитдаги мақомини белгилаш ва уларнинг

жараён кечишидаги ўзаро муносабати ҳолатини аниқ тасаввур қылиш лозимлигини унутмаслик зарур.

Яна бир рус олим Н.К. Гарбовскийнинг қайдича, аслият матни таржимага нисбатан ташқи объект ролини ўтайди ва “таржимон билан муносабатга киришаётib, ўзгармасдан қолади” (Гарбовский 2004: 230). Ўша муносабатлар тўрида таржимоннинг аслиятда баён қилинаётган воқелик билан муносабати алоҳида ўринни згаллайди: “ушбу муносабатнинг мураккаблиги, воқеликнинг таржимон томонидан бевосита идрок қилинмасдан, балки лисоний белгилар воситасида моддийлашадиган қандайdir мавхум, идеал тасвирда қабул қилинишида намоён бўлади” (Ўша асар, 231 бет). Олим, шунингдек, таржима бирликларларини мазмун бирликларидан фарқлаб таҳлил қилиш тарафдори. Таржима жараёнига ономасиодогик ёндашувнинг устунлигини ёқлашни ёқтирган муаллиф тўғри кўрсатганидек, таржима жараёни тилдаги лисоний белгиларни бошқасидагилар билан алмаштиришдан иборат бўлмасдан, балки ушбу белгилар ортига яширинган маънолар тизимини сақлаш ва лозим бўлганда маълум даражада ўзгартиришлар киритишдан ташкил топади. Шунинг учун таржимон маъно ҳодисаси билан иш кўради, таржима бирликлари эса бу жараёnga “ахборот кванти, маъно элементи, аникрофи, маънонинг бирлиги вазифасида иштирок этади” (Ўша асар, 257 бет).

Шу йўсинда, мuloқot вазияти, унинг қаерда ва қачон кечайтгани, ниҳоят, ушбу мuloқot иштирокчиларини ҳам когнитив унсурлар қаторига киритиш мумкин. Аммо ушбу унсурлар, худди мuloқotдошларнинг билим доирасидек, тил тизимининг мустақил қисмига айланмасдан, балки лисоний фаолият, шу қаторда, таржима фаолиятида тажрибага асосланган ҳолда, интуитив равишда инобатга олинади. Таржимашунос Д. Селескович келтирган мисолни эслайлик: ўтган аср олтмишинчи йилларида Совет Иттифоқи ва Гарбий Германия (иккаласи ҳам собиқ давлатлар) ўртасида дипломатик алоқалар тикланганидан сўнг Германияга ташриф буюрган Никита Хрушев хайрлашув пайтидаги

нутқини русча “С Вами Бог!” (“Худо ёр бўлсин!”) ибораси билан якунлайди. Таржимон немис тилидаги “Alles Gute”, яъни “Омон бўлинглар!” (инг.Good luck, фр.Bonne chance) мазмунидаги иборага мурожаат қиласди. Немис матбуотида шу заҳотиёқ ушбу таржимада “Худо” сўзининг туширилиб қолдирилишидан норозиликни ифодаловчи шарҳлар пайдо бўлган. Бу воқеадан бир неча йил ўтганидан сўнг Папа Иоанн-Павел II Польшадан жўнаб кетаётib, худди шу иборани талаффуз қилганида ҳеч қандай эътиroz билдирилмади. Бунинг сабаби мuloқot вазияти, матннинг турли мухитларда шаклланиши билан боғлиқ. Юқоридаги ҳолатларда узатилаётган ахборотнинг мазмун-қиймати бир хил эмас: биринчисида Н. Хрушев такаллуф кўрсатиш мақсадини кўзлаётган бўлса, иккинчисида ушбу ибора Рим папаси учун дуо, фотиха ўқиш амалини бажаришдир.

Гуматинар фанлар доирасида кечган матн-семиотик бурилиш таржимашуносликда ҳам ўз аксими топиши кутилган ҳол эди. Матн ҳодисасининг кенг миқёса талқин қилиниши таржима жараёнининг моҳиятини ўзгача англашга сабаб бўлди. Фаранг назариётчиси С.Басснеттнинг таърифига кўра, “олдинги пайтларда кичик тадқиқот обьекти ҳисобланган таржима ҳозирги кунда инсонларнинг ўзаро мuloқоти, бир-бирларини тушунишини таъминловчи жараён сифатида қаралмоқда” (Bassnett 2002:1). Таржима жараёнига қизиқишининг бу қадар ўсиши таржима назариясининг асосий тадқиқ бирликларидан бўлган матн ҳодисаси талқинида ҳам янгича қарашлар юзага келишига туртки берди. Маълумки, постмодернизм йўналишида нутқий фаолият натижасида ҳосил бўладиган ҳар қандай маҳсулот иккиламчи ҳодиса сифатида қаралади ва бундан матн ҳам истисно эмас. Француз тадқиқотчisinинг ҳозиргина эслатилган асарига яна бир карра мурожаат қиласми: “Ҳар бир матн- ягонадир, лекин йини пайтда ҳар қандай матн бошка бир матннинг таржимасидир. Бирон бир матн тўлиғича ўзига мустақил ёки яслни нусха бўла олмайди, чунки ҳар бир тилнинг ўзи ҳам, яслни олганда, таржимадир: биринчидан, бу ғайри лисоний

оламнинг лисоний белгилар тизимиға кўчирилиши, иккинчидан, ҳар бир белги ва ибора бошқа белгилар, ибораларнинг таржимасидир" (Bassnett 2002:44). Ушбу қайддан "бирламчи матн" тушунчаси нисбий эканлиги ҳақидаги хуносага келишимиз муқаррар. Бироқ муаллиф қайдининг давомини ўқишига мажбурмиз: "Юқоридаги фикрни бошқача изоҳласак ҳам ҳақиқатдан йироқлашмаймиз, яъни барча матнлар ўзига хосдир, чунки ҳар бир таржима бошқасидан фарқ қиласди. Ҳар бир таржима маълум даражада янгиликдир ва шунга нисбатан у мустақил, ягона матнидир" (Уша ерда).

Ушбу сатрларни ўқиётиб, кишининг боши гангид қолиши ҳеч гап эмас. Матнларнинг қайси ва қачон "бирламчи" ёки "иккиламчи" бўлиши мумкинлигини билиш муҳимлиги ҳақидаги саволнинг туғилиши табиий. Матнларни бу йўсинда фарқлаш анъанаси М.М. Бахтин томонидан таклиф қилинган нутқий жанрларни турларга ажратиш ғоясига бориб тақалади. Бу ғояга биноан бирламчи (оддий) жанр кундалик майший мулоқот шароитида юзага келса, иккиламчи (мураккаб) жанрлар эса "мураккаброқ ва нисбатан ривожланган, тартиботли маданий мулоқот шароитида ҳосил бўлади" (Бахтин 2000: 251). Бундан кўринадики, тавсифланаётган жараёнлар кўлланиш доирасига нисбатан фарқланади. М.М.Бахтин фикрига эргашган тадқиқотчиларнинг барчаси иккиламчи матнни бошқа бир (бирламчи) матн асосида, юқорироқ даражадаги умумлаштириш, мавхумлаштириш йўли билан яратилган мураккаб матн сифатида таърифлашдан тўхтаганлари йўқ (масалан, қаранг: Вербицкая 2000; Майданова 1994 ва бошқалар).

Иккиламчи матннинг юқоридаги талқинда таърифланиши уни интертекстуаллик ҳодисаси билан яқинлаштиради. Зотан, Ю. Кристеванинг қайдича, матнлараро муносабатларни аниқлаш ҳам қандай матннинг бошқа бир матннинг трансформацияси ёки ўзига сингдириши натижасида юзага келадиган маҳсулот сифатида тасаввур қилиш лозим бўлади (Кристева 2000:429). Менимча,

интертекстуаллик ҳодисасини бирор бошқачароқ аникроғи – кенгроқ маънода тушунмоқ керак. Интертекстуал алоқаларнинг манбасини ҳар доим ҳам аниқ кўриб бўлмайди, ҳатто, баъзан бу алоқанинг манбаси номаълум бўлиб қолади. "Иккиламчилик" юзага келаётганда эса, иккита аниқ кўриниш ўртасидаги алоқа мавжуд бўлиши шарт. Аслият ва таржима матнлари ўртасидаги муносабат худди шундай бевосита, аниқ кўринишдаги алоқа натижасидир. Таржима матнida аслиятнинг "соя"си, изи сақланади, фақат муаллиф ўзгаради.

Мутаржимни муаллифлик даражасига кўтаришдан ҳайқсан, жуфтмуаллифликни эътироф этишга маҳкуммиз. Маълумки, таржима маданиятлараро мулоқотда лисоний воситачилик ролини ўтайди. Лекин таржима, бошқа турдаги лисоний воситачилик намуналаридан (масалан, реферат, аннотация, мазмун баёни кабилар) тубдан фарқ қилиб, аслиятни тўлиқ алмаштириш вазифасини бажаради. "Таржима амалини бажариш мақсадининг ўзиёқ, - деб ёзади В.Н.Комиссаров, - аслиятнинг репрезенти (ўриндоши)ни яратиш вазифасини кўяди ва таржима матнidan фойдаланувчилар таржима матнини аслиятнинг структур ҳамда мазмун жиҳатидан муқобил такrorи сифатида қабул қиласдилар. Улар таржимага нисбатан худди аслият сингари муносабатда бўлишиб, ундан иқтибослар келтирадилар, унинг мундарижаси, тили ва услуби ҳақида мулоҳазалар билдирадилар" (Комиссаров 1999:111).

Шундай қилиб, таржима иккиламчи матннинг алоҳида тури ва бирламчи матннинг ўрнини эгаллаб, унинг бажарадиган вазифасини такрорлайди. Ушбу турдаги матннинг яратилиши учун коммуникатив мухит ҳам иккиламчи бўлиши зарур. Афуски, таржимашунослиқда матннинг табиати, лингвосемиотик мақоми, лисоний-прагматик ва бошқа хусусиятлари таҳлилига алоҳида аҳамият берилса-да, лекин матнлараро муносабатлар ва интертекстуаллик белгилари, айниқса – таржима матннинг иккиламчи фаолият маҳсулти эканлиги билан боғлиқ муаммолар муҳокамаси кейинги тушиб қолмоқда. Бу

холатда, албатта, соҳанинг яхлит фан йўналиши кўринишида шакл олишини тасаввур қилиш қийин. Бунга эришиш учун яхлитликни таъминловчи тугунларни излаш талаб қилинади. Тугунларни боғловчи ипларни қидирган С.Басснеттнинг ишонтиришича, ёндашувлар турли туманилигини зътироф этиш учун "таржимоннинг бошқариш, таъсир ўтказиш курдатини (manipulating power) зътироф этиш ҳамда таржимани бирламчи ва иккиламчи муҳитларни ажратиб турувчи ҳудуд устига курилган кўприк сифатида тушуниш" муҳимдир (Bassnett 2002:10). Аслият ва таржима матнларини боғловчи алоқа айнан шундай тугунлардан бири эканлигига ишонса бўлади.

Таржимоннинг матнга қайта ишлов бериш йўли билан ўқувчига таъсир ўтказиш, яъни манипуляция қурдатига эга бўлишига зътибор шу даражада кучайдики, ҳатто таржимашуносликда manipulation school номини олган алоҳида йўналиш шаклланди. Табиийки, таржима аслият матнига ишлов бериш йўли билан қайта яратилган матнdir. Матннинг қайта яратилиши ўз-ўзидан, беихтиёр кечадиган фаолият эмас, таржимон томонидан берилаётган ишлов маълум сиёсий-ижтимоий, қолаверса, маданий муҳит талабларига мос равишда берилади. Ишловнинг бу сингари онгли равишда бажарилиши янги матннинг яратилишига туртки беради. Таржима ижодининг натижаси адабий жараёнга инновацияларни, шу жумладан, янги жанрлар, тушунчалар, услубларни олиб кириш билан якунланиши мумкин.

Шунинг билан биргаликда, таржима жараёнида бажариладиган қайта яратиш фаолиятини тамоман манипуляция ҳаракатлари қарамоғига бериб қўйиш нотўғри бўлса керак. Таржима аслиятни ўзига қулай равишда мослаштириш дегани эмас. Manipulation school назариётчилари фикрига эргашадиган бўлсак, таржимани доимо манипуляция, таржимонни эса-манипулятор (manipulator) сифатида қарашга мажбурланамиз (Tymosko 1998; Lefevere, Kramina 2004).

Файласуф П.Рикёр ягона бир фикрни турли усулларда баён қилиш, бир нарсани назарга тутаётиб, бутунлай тескарисини гапириш мумкинлигини қайд этиб, инсоннинг тилдан ўз мақсадида фойдаланиш имконияти кенглигидан ҳайрон қолади (Рикёр 2004). Ҳақиқатдан, тил тизимининг заҳираси кенг, у фақат реал, ҳақиқий фактлар эмас, балки хаёлдаги, шартли, фаразли ҳолатлар борасида ҳам сўзлашта имкон беради ва бунинг билан манипуляция лисонга тубдан хос эканлигига ишора қиласди. Манипуляция назариётчилари тил ва нутқий фаолиятнинг ушбу хислатига ҳаддан ташқари урғу бериб, уни мутлақлаштиришга ҳамда таржима фаолиятининг ягона мақсадига айлантиришга уринмоқдалар. Бундай ёндашувда аслиятнинг қадру-қиммати, муаллифнинг мақсади йўққа чиқарилиши аниқ. Асл ғоясидан, мазмунидан ажralган асарни ўқишига не ҳожат?! Аслият мундарижасидаги ҳар қандай онгли равишда бажарилган силжиш унинг умумий ғоясига таъсир етказмасдан қолмайди, лекин бу силжиш таржима сиёсатига, умумий идеологияга хизмат қилиши шарт эмас. Тилнинг апеллятив, конатив, поэтик ёки мўъжизали таъсир функцияларини бажариши олимлар томонидан аллақачон зътироф этилган, аммо ушбу вазифа ижроси ва мақсадли ёлғон ўртасида катта фарқ бор. Сунистъемол орқасида хиёнат туради, аслиятга хиёнат қилиш - таржима одоби, этикасининг бузилишидир.

Таржиманинг аслиятдан кескин фарқ қилиши мумкинлигини Manipulation School вакилларидан анча олдин бошқалар ҳам кузатиб келишаётган эдилар, жумладан, деконструктив назария тарафдорлари таржима маънодаги турғунлик, барқарорликни ёқтираслигини доимо қайд этиб қоладилар. Шундайлардан бири бўлган Лоренс Венути, таржимонларни жараёнда кечадиган барқарорлик инъансига қаршилик кўрсатишга чақираётиб, таржима қаракати "хорижийлаштириш" (foreignization) ва "маҳаллийлаштириш" йўлидан бориши мумкинлигини уқтиради (Venuti 2008). Деконструктив назариянинг асосчиси Ж.Деррида маънодаги барқарорлик ва нотурғунликни бир-

бирига карма-карши қўймасдан, балки уларни "муросага келтириш", йўлини топиш маслаҳатини беради, зотан барқарорлик ва нотурғунлик матн мундарижасининг зарурий хислатларидандир. Турғун элементлар, ҳақиқатдан ҳам, матн маъносини англашга "калит" вазифасини ўтайди, лекин бу турғунлик маъно эшигини қулфламайди.

Матн мазмунидаги барқарорлик элементининг сақланиши таржиманинг асосий шартларидан бири эканлигини Деррида тарихий асарлар мисолида изоҳлайди. Чунончи, Шекспир асарлари мазмуни асосан тарихан шартланган ва уларда тасвирланаётган воқеалар даври биздан узоқда эканлигига қарамасдан, ушбу мазмунни ҳозирги давр ва турли миллат вакиллари англаш имкониятига эгадирлар. Дерриданинг изоҳича, ушбу имконият "такрорийлик" (iterability) ҳодисаси фаоллашувида воқеданади. "Маъно-мазмун "изи"нинг такрорланиши (такрорлашдаги тенглик, ягоналик, ўхшашлик ва ўрин алмаштириш) тарихийлик шартидир" (Derrida 1992:63). Айнан такрорийлик ҳодисаси "Ромео ва Жульєтта"нинг Шарқ ва Farбда қарийб бир хил ўқилишини таъминлашига ишониш зарар қилмайди, албатта. Бироқ, 1996 йилда суратга олинган "Ромео ва Жульєтта" фильмида қаҳрамонларнинг кийиниши, баъзиларнинг наркотик қабул қилиши, замонавий куролларни олиб юриши, рок усулида рақста тушиши асар мазмунни манипуляциясининг ўзгинасидир. Бу ерда мазмуннинг ўзагини ташкил қиласидиган такрорийликдан ҳеч нарса сақланмаган.

Равшонки, таржимашунослик мустақил равища назарий фанлар қаторидан муносаб ўрин топиши учун **мустахкам методологик пойдеворга** эга бўлиши лозим. Узоқ давр мобайнида кўрсатма ёки тавсиялар бериш билан машғул бўлиб келган бу фан, мустақилликка эришиши учун таржима фаолиятининг моҳиятини англашга имкон яратиши керак бўлади. Мустақилликка йўл топиш нақадар мушкул эканлигини яхши биламиз.

Таржима назарияси "қандай таржима қилиш керак?" саволидан нарига ўтишга қийналиб турганинг объектив сабаблари мавжуд. Булардан бири тугилаётган муаммоларнинг турли соҳаларга оидлиги ва бунинг натижасида методологик ноаниклик, нотурғунликларнинг юзага келишидир. Бундан ташқари, таржима жараёни формаллаштиришнинг имкони ўта чегараланганини ҳам ёддан чиқармаслигимиз лозим. Таржимашуносликнинг эпистемологик пойдеворга эга бўлиши ва бевосита фаолият жараёнида муаммолар ечимини топишга туртки бера олиши нақадар муҳимлигини таъкидлаётган тадқиқотчилар мақсад фақат фактларни тўплаш эмас, балки уларга алоҳида тавсиф-изоҳлар бериш бўлиши маъкуллигини айтмоқдалар. Таржима назарияси фаннинг асосчиси ҳисобланадиган Жеймс Ҳолмс 1972 йилда нашр қилинган *The Name and Nature of Translation Studies* номли маъруzasида таржимашунослик таржима жараёни таҳдилини назарда тутадиган барча турдаги тадқиқотларни қамраб олиши зарурлигини таъкидлаган эди ("all research activities taking the phenomena of translating and translation as their basis or focus").


Мавжуд саволлар ва муаммолар, кўзланган мақсадга биноан, турлича ёндашувларда талқин қилиниши кутилган ҳол. Шу аснода, таржимашуносликда бир қатор йўналишлар юзага келди-ки, тадқиқотчилар жамланган фактларни таснифлаш ва таҳдил қилишда фойдаланаётган методологик манбалар ва методларнинг фарқи сезилиб туради. Менгнат тақсимотининг энг ёрқин намунаси, сўзсиз, таржима назариясини уч категорияга, яъни "оғзаки таржима", "ёзма таржима" ва "автоматик таржима" назарияларига ажратишидир. Болгариялик олим А. Людсканов осонроқ йўлни танлаб, таржима назариясини "theorie de la traduction" ҳамда "aspects appliques" қисмларига ажратиб ўтган эди. Бу босқичлар мавҳумлашувнинг камайиб боришига нисбатан қўйидагича поғоналаштирилади: 1) семантик трансформацияларнинг универсал назарияси; 2)

таржиманинг умумий назарияси; 3) хусусий таржима назарияси (Ljudskanov 1972).

Наздимда, эслатилган таснифлар таржимашунослик фанинг факат алоҳида қисмларини инобатта олиб, унинг мундарижасини тўлиқ акс эттирамайди. Назария мукаммал бўлиши учун обьектнинг мураккаблигини, унинг табииатига хос хусусиятларни мумкин қадар тўлиқ изоҳлаш заҳирасига эга бўлмоғи даркор. Бунинг намунасини биз ҳозирги пайтда таржиманинг pragmatik, когнитив назариялари, таржима жараёнига танқидий изоҳ йўналиши ҳамда таржима назариясининг лингвистик асослари, матн ва жанр мўлжалидаги таржима назарияси каби соҳалар ривожида кўрамиз.

Жеймс Ҳолмс юқорида эслатилган маъruzасида "таржима назарияси харитаси"ни (the map of translation studies) келтириб, мазкур фанинг шаклу-шамолийини тасвирилаш измида бўлган эди. Кейинчалик ушбу харита кўплаб нашрларда кўчириб босилди ва камина ҳам ушбу хаританинг, унинг билан танишиш таржима соҳасининг турли қирралари борасида арзигулик тасаввурга эга бўлиш имконини бериши мумкинлигини инобатта олиб, ҳаммага таниш қобусномадаги (Routledge Encyclopedia of Translation Studies.-London, 2001) нусхасини сизнинг диққатингизга ҳавола қилишни маъқул кўрмокдаман:

Чизмадан кўринадики, Ж. Ҳолмс таржимашуносликни дастлабки ўринда "соф" (pure) ва (амалий) applied қисмларига ажратади. Амалий қисмда таржимонлар тайёрлаш ва таржима фаолияти учун зарур бўлган материаллар (лугатлар, грамматик қўланмалар ва комьютер дастурлари) ҳамда таржима матнини танқидий таҳдилига оид муаммолар ўрганилса, иккинчи, яъни "соф" (pure) қисми назарий (theoretical) ва тавсифий (descriptive) йўналишларини қамраб олади. Назарий йўналиш, ўз навбатида, "умумий" (general) ва "хусусий" (partial) кўринишларига эга бўлиб, биринчисида таржиманинг умумий назарияси олд ўринда туриб, иккинчисида эса, тадқиқ предмети чекланган, яъни жараённинг алоҳида бир аспектига доир бўлади.



Дескриптив таржимашунослик "таржима матни таҳлили" (product oriented), "таржима жараёни таҳлили" (process - oriented) ва "таржима бажарадиган вазифалар таҳлили" (function oriented) мўлжалидаги тадқиқотлар ижросини назарга тутади. Булардан биринчи гурухида таржима матнларининг бошқалардан фарқли жиҳатларини аниқлаш мақсади асосий ўринда турса, иккинчи гурухида таржима жараёнида инсон (таржимон) онгидаги кечадиган тафаккур ҳаракатлари тадқиқи муҳимлашади. Ниҳоят, учинчи гуруҳ таржима матнининг уни қабул қилувчи янги ижтимоий-маданий муҳитда бажарадиган вазифасини белгилаш масаласи билан қизиқади.

Шунингдек, Ж.Холмс "харитасида" акс топмаган яна икки йўналиш мавжудлигини унутмаслик керак, ҳар қандай соҳада бўлганидек, таржимашунослик фани ҳам ўз тарихига эга ва бу соҳада метатадқиқотлар олиб борилиши, яъни тадқиқ методлар, моделлари алоҳида ўрганилиши лозим. Энг муҳими, барча йўналишлардаги (назарий, амалий, дескриптив) тадқиқотлар ўзаро муносабатда, бир-бирини тўлдирадиган даражада бажарилиши асосий методологик тамойилларданadir.

Шундай қилиб, ўтган асрнинг якунловчи ўн йилларни таржимашуносликнинг даври бўлди ва бунга дунё тилшунослигига юзага келган "парадигмалар бурилиши"ни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Шу даврда, биринчидан, турли кўришдаги, лекин доимо социомаданий мундарижага эга бўлган нутқ лингвистикаси оммавийлашган бўлса, иккинчидан, инсоннинг нутқий фаолияти, ҳатти-ҳаракатлари лингвистик таҳлил объектига айланди. Антропоцентризмнинг муҳимлашви натижасида коммуникация лисоний муҳитдан четта чиқиб, маданиятларо мақомга эриша бошлади. Оқибатда бу мақом таржимашуносликка ҳам кўчиб унинг коммуникатив парадигма доирасида ўрганилишига таъсир кўрсатди.

Таржимашуносликни коммуникация модели доирасига киритиш ғоясининг дастлабки тарғиботчиларидан бўлган немис олими О.Каде "таржиманинг коммуникатив нуқтai

назардан ўрганиш ғоят истиқболли йўналиш" эканлигини таъкидлаётib, ушбу ёндашув тадқиқот мақсади ва объектини аниқ тавсифлаш имконини беришини қайд этган эди (Kade 1968:18). Дарҳақиқат, таржимашуносликнинг коммуникатив тадқиқотлар доирасига киритилишининг сабаби унинг вазифаси турли лисоний жамоалар ўртасидаги мулоқотни таъминлаш эканлигиdir. Таржимоннинг мазкур жараёнда бажарадиган вазифаси мулоқотдошлар интенсивиёси ёки мақсадини муқобиллаштиришдан иборат ва ушбу вазифани амалга ошириш учун у аслият матнига оид маълумотларни инобатга олиши, матннинг ҳосил бўлиши ва мўлжалдаги вазифаларини идрок этиши шарт. Тиллараро таржима - коммуникациянинг маҳсус ва алоҳида туридир, зеро унда ҳеч бўлмаганда иккита тил иштирок этади ва бу тиллар функционал жиҳатдан ўзаро яқинлашадилар. Одатий коммуникация эса, монолингвиаллик (биртиллилик) хусусиятига эга ва ахборотнинг узатилиши сўзловчи ва тингловчи ўртасида кечади ҳамда уларнинг иккалasi ҳам ягона бир тилнинг луғавий-грамматик заҳирасидан фойдаланади. Тиллараро коммуникация шароитида эса кодлаштириш ва декодлаштириш тизими бошқа-бошқа, бунда аслият тилида кодлаштирилган ахборот бошқа тизимга оид белгилар воситасида қайта кодлаштирилади. Ушбу турдаги транскодлаштириш (transcoding) шароитида таржимон ахборотни узатувчи ва қабул қилувчи вазифасини бир хилда ва бир пайтда бажаради. Якунда жараённинг яна бир иштирокчиси - таржима матнининг ўкувчisi ҳам майдонга чиқади.

Айтилганларга биноан, тиллараро ва биртиллик коммуникациянинг тузилишидаги фарқни қуйидаги жадвал куринишида тасвирлаш мумкин:

Иштирокчилар	Биртиллик коммуникация	Тиллараро коммуникация
Ахборот узатувчи	1	2
Ахборотни қабул қилувчи	1	2
Ахборот	1	1
Код	1	2
Пайт	1	1

Хуллас, таржима кўптиллик ҳамда маданиятлараро муносабат доирасида кечадиган коммуникатив жараёндир ва бунда таржима матнининг аслиятга коммуникатив мутаносиблик инг таъминланиши асосий талабдир. Шу боис, таржима билан машғул шахс доимо аслиятнинг коммуникатив константасини ўзгармас, доимий бирлигини яъни интенционал мазмунини топиш ва уни сақлаб қолиш йўлини қидиришга мажбур.

Коммуникатив таржимашунослик йўналишининг тарафдорлари таржима фаолиятининг обьекти матн эканлигини доимо қайд этиб келганлар. Айни пайтда, матндец муракқаб ҳодисанинг барча хусусиятларини таржимада бир хилда сақлаб қолишининг имкони йўқлигини ҳам яхши биламиз. В.Н.Комиссаров "таржима жараёнда турли тиллардаги матнларни коммуникатив жиҳатдан тенглаштириш" вазифаси бажарилишига бизни ишонтирумокчи (Комиссаров 1999:46). Коммуникатив вазифанинг сақлаб қолиниши таржима муқобиллигининг асосий талаби эканлигини ҳеч ким инкор этмаса керак, лекин аслият ва таржима матнларини яратилиш шароитига нисбатан тенглаштириш мунозарали масала. Бегумон, тиллараро коммуникация мухитида коммуникатив вазифа ягона бўлиши шарт ва шунга нисбатан мазмун қисмлари аниқланади ҳамда уларни шакллантирувчи лисоний бирликлар танлови кечади. Ҳозирги пайтда, коммуникатив вазифадаги фарққа таянган ҳолда матнларни таснифлаб алоҳида алоҳида гуруҳларга тақсимлаш анъанаси юзага келди. Таржима мақсадини кўзлаб бажарилган шундай таснифлардан бирини ўтган асрнинг охирларида немис таржимашуноси Катарина Райс таклиф қилган эди. Коммуникатив вазифадан ташқари, узатилаётган ахборот тури, манбаси ва қабул қилувчиларини инобатга олган ҳолди матнлар информатив, экспрессив, оператив, аудио-медиа гуруҳларига тақсимланган (Reiss 1983:18). Биринчи гуруҳдагиларининг коммуникатив вазифаси тасвири предметига нисбатан аниқланиб, улар қаторига хабар, илми-

мақола, кўрсатма, оммабоп матнлар киради. Иккинчи гуруҳдагиларида ҳам маълум мавзудаги ахборот етказилади, лекин коммуникатив вазифани шакллантириш муаллиф ихтиёрида. Оператив матнлар маълум тоифадаги ўкувчиларга мўлжалланган бўлиб, лисоний бирликлар танлови уларнинг таъсир даражасини эътиборга олган ҳолда бажарилади (реклама, диний матнлар, тарғибот материаллари). Ниҳоят, охирги гуруҳ ажратилишида кўлланиладиган техник ва нолисоний воситалар инобатга олинган.

Мазкур ва ундан кейин таклиф қилинган таснифлар қанчалик даражада такомиллик даражасидан узоқ бўлишмасин, бироқ методологик жиҳатдан қўллаб-куватлашга лойиқdir. Зотан, улар, биринчидан, матн ҳодисасининг таржима стратегиясини белгилашда ўз ўрнига эга бўлса, иккинчидан, коммуникатив вазифа мазмуний инвариантни шакллантириб, таянч нуқта бўлишини исботлайди. Асосийси, бу йўналишни ривожлантириш ва коммуникатив функция пойdevорида турган таянч, яъни доминант мундарижавий ҳодисаларни батафсил тавсифлаш лозим бўлади. Петербурглик олима М.С. Алексеева матнларни таржимашунослик мақсадида таснифлаш учун узатилаётган ахборот турини ҳам эътиборга олиш муҳимлигини төъкидлаётуб, ахборотнинг когнитив, оператив, эмоционал, эстетик турлари мавжудлигини эслатиб ўтади (Алексеева 2008:39-42). Ҳар бир матнда ушбу турдаги ахборотларнинг барчаси мавжуд бўлиши кутилган ҳол бўлса-да, бироқ улардан бири устуворлик қиласи. Матнда етакчилик қиласи ахборот унинг коммуникатив вазифасини ҳамда мўлжалини белгилайди. Мўлжал эса, ўз навбатида, биртекис йўналишда воқеланмаслиги мумкин. Масалан, давлат раҳбарларининг фармони ахборот узатиш билан бир пайтда, курсатма ёки буйруқ бериш мазмунига эга, боз устига, ушбу турдаги матн билан танишиш ўкувчидаги хурмат, давлат раҳбари қарорини қадрлаш ҳиссиятини (эмоционал ахборот) ўтади. Демак, матннаги ахборотнинг мажмуявий

тузилишга эга бўлиши унинг коммуникатив мўлжали ва вазифасини ҳам мураккаблаштиради. Бу эса, ўз навбатида, таржима фаолиятининг кўпбосқичли кечишига сабаб туғдиради.

Таржиманинг ҳар қандай тавсифида "фаолият" тушунчасини учратиш одат тусига кирмокда. Тўғрида, таржимоннинг фаолиятисиз бирор бир жараён кечишини ҳамда аниқ бир натижага эришишнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Шундай экан, таржимашунослик фанида кечаетган ислоҳатли ўзгаришларни фаолият назарияси татбики билан боғлаш табиийдир. Энг аввало, таржимонни "бетараф воситачи" лавозимидан халос этмоғимиз даркор. Таржима қатор "муаллифлик" омилларини ўзида акс эттиради, таржимон фаолиятига, сўзсиз, когнитив, миллий-маданий ва прагматик коммуникатив омиллар ўз таъсирини кўрсатади. "Ушбу таъсир остидаги таржимон ўз фаолиятида икки маротаба тафаккур юритади: аввал бир тилда, кейин иккincinnисида. Ушбу икки тафаккур тўқнашувида фақат таржима матни ҳосил бўлиб қолмасдан, балки интеллект фаолиятига доир бетакрор маълумотлар намоён бўлади" (Рябцева 1997:47). Демак, таржима фаолияти лисоний тафаккур фаолиятининг алоҳида тури сифатида талқин этилишга лойиқ.

Таржимашунослик соҳасига фаолият назарияси татбики ҳақида сўз кеттанида таржимон фаолиятининг ўзига хос хусусиятга эга эканлигини ёдда сақлашимиз зарур. Ушбу фаолият, даставвал, рефлексив, яъни аслият матни билан ўзаро таъсир муносабатида кечади, кейинчалик эса, худди шу муносабатнинг ўзи ижодкорона ёндашув имконини беради. Матъумки, баъзи турдаги фаолиятлар меъёрий чегараланган, ижод эса ҳурриятни ёқтиради. Таржима фаолиятини тўлиғича "соғиҳод" доирасига киритиш қийин масала. Ушбу турдаги фаолиятга нисбатан меъёрий, лозим бўлганда – маъмурӣ талаблар қўйилади, таржимон маълум турдаги этик-эстетик мажбуриятлар соясида фаолият юритади.

Таржимон маданиятлараро коммуникациянинг энг фаол иштирокчисидир, уни ҳатто ушбу турдаги мулоқот

субъекти мақомида кўриш мумкин. Таржимон аслиятнинг ўкувчи сифатида унинг таъсирини ҳис этади, таржима жараёнида эса унинг ўзи таъсири шакллантирувчи ва маълум мақсад сари йўналтирувчи шахста айланади. Лисоний-маданият вакили сифатида фаолият кўрсатади. Таржимон ҳар иккала маданият борасида етарлича тасаввурга эга бўлади ва ўз фаолиятини олдиндан маълум бўлган режа, когнитив қолиллар асосида бошлайди. Лекин таржимада таржимоннинг шахси қисман бўлса-да "кўринмас тасвир"ни олади, чунки ўкувчи уни муаллиф ролида қабул қилиши мумкин.

Таржима фаолиятининг кечиши унинг субъекти бўлмиш таржимоннинг фаолияти Н.А.Галеева, Н.Г.Валеева кабиларнинг тадқиқотларида бирмунча батафсил ёритилган (Галеева 1997; Валеева 2010). Жумладан, Н.Г. Валеева таржима фаолиятининг структур тузилиши, унинг бажарилиш босқичларини ёритишида психолингвистлар (А.А.Леонтьев, Т.А.Дридзе ва бошқалар) билдиришган хуласаларга асосланишини маъқуллайди (Валеева 2010:18-19). Аммо психолог ва психолингвистларнинг фаолиятнинг уч асосий босқичдан иборатлиги ҳақидаги фикри қанчалик мантиқий асосли эшитилишига қарамасдан, таржима фаолиятини тўлиқ бошқара олмаслиги ҳам маълум.

Немис олими В.Вильс таржима фаолияти кечишини таржимоннинг психологик типи (шубҳаомуз, ўжар, Изватталаб, шуҳратталаб, сермулоҳаза ва х.) билан боргликларда кўради (Wills 1988). Ижод шахси-таржимоннинг фаолиятини ўрганиш таржимашуносликнинг истиқболли Қуналишларидан бирига айланишига ишончим комил. Шунинг билан биргаликда, инсоннинг психологик кусусиятларини аниқлашнинг ўзи доимо муаммоли бўлиб ғолганилигини ҳам унугтаслигимиз лозим. Бундан ташқари, таржима фаолияти учун оқилоналиқ, маъсулият, мотив, сабитқадамлик кабилар ҳам мухимдир. Айниқса, таржима фаолияти самарасини баҳолашда мотивнинг ўрни алоҳида. Ҳинобарин, таржимон фаолиятини рағбатлантирувчилар

қаторига қуидаги мотивлар киритилади: а) эстетик мотив – ижодкорлик қобилиятини намоён қилиш имкони билан боғлиқ; б) "рақобатбардошлиқ" мотиви, яъни олдинги таржималардан устун турадиган матн нусхасини яратиш истаги; в) маърифатпарварлик мотиви – ўкувчиларнинг маданий-маърифий билим доирасини кенгайтириш; г) анъана мотиви-анъана ларга риоя қилиш; д) қадрият ва қиймат мотиви – таржиманинг маданий қийматга эга бўлган ҳодиса эканлигини англаш. Санаб ўтилганларнинг барчаси таржима инсоннинг яратувчанлик фаолияти маҳсулни эканлигидан дарак беради.

Таржимашуносликнинг методологик асослари ҳақида фикр юритаётib, ушбу фаннинг фалсафаси, унинг фалсафий тамойилларини ва умуман файласуфларнинг таржима фаолиятининг у ёки бу кирраси борасида билдирган мулоҳазаларини ёддан чиқариш гуноҳ албаттa. Гассет, Хайдеггер, Рикёр, Гадамер, Деррида, Барт (рўйхатни яна давом эттириш мумкин) кабиларнинг номларини билмаган уларни эсламайдиган таржимашунос гуноҳини чукурлаштирмаслик учун, яхшиси, касбини ўзгартиргани маъкул. Деконструктивизм назариясининг асосчиси Ж.Деррида таржима муаммосига қўл ураётган шахс шир заҳотиёқ фалсафа "қармоғига илиниши"ни бир неча ботаъкидлаганини унутмайлик. Таржима фаолиятинин фалсафий муаммолари миқдор жиҳатдан бисёр ва қамро жиҳатидан унинг онтологик моҳияти ва аслият ҳамд таржима матнлари муносабати ҳақидадир. Мазку муаммолар талқинига муносабат ҳам турлича ва бу танланга фалсафий-методологик ёндашув билан боғлиқ. Бунда ёндашувлардан энг кенг тарқалгани, албаттa герменевтикадир.

Қадимдан бошлаб турли жаңрдаги матиларни шархлаштыра, түшүнүш билан машғул бўлган герменевтика фанни доирасида маҳсус методлар, амаллар, қоидалар мажмуаси шаклланади ва уларнинг таржимашуносликка татбик бирламчи ҳамда иккиласми матилар таҳлилида кўпла

иширин, бевосита кузатувдан йирокроқ турадиган ҳолатларни англашни осонлаштиради. Герменевтиканынг даҳоларидан бўлган Х.Д.Гадамер, ушбу фаннинг ўзагини ташкил қиласидан “тушуниш” ҳодисаси ҳақида гапираётлиб, ўз фикрини изоҳлаш учун айнан таржима жараёнига мурожаат қилганини эслайлик. Таржима бир-бирига ёт бўлган икки тилда сұхбатлашиш жараённинг акс эттиришини эътироф этган файласуфнинг фикрича, таржимон тушуниш лозим бўлган мазмунни мулоқот иштирокчиси мавжуд бўлган контекстта қўчириши керак. Бу мулоқот иштирокчиси Назарга тутган мазмуннинг бузилиши ёки нотўғри талқинига олиб келмасдан, балки сақланишини таъминлаши лозим, зеро тамоман янгича ифода топаётган ушбу мазмун эндиликда ўзга тил муҳитида тушунарли бўлиши шарт. Шу боис, ҳар қандай таржима шарҳлаш ёки тушунтиришдир, аниқроғи, ҳар қандай матн ёки бошқа бирор бир ҳодиса шарҳлананаётганида мўлжалланадиган асосий вазифа – маъно –мазмуннинг иштироғига эришиш ҳамда шарҳнинг мавжуд алоқалар ва муносабатларга мос келишига етишишдир. Аниқлик ва мослиқнинг нисбий бўлиши ҳам тушунарли, аммо улар мўлжални белгилашлари шарт. Бунга шарҳлаш ва тушуниш мўлжаларининг умумий бир қолип–“герменевтик доира” майдонида бажарилиши асос бўлади ва ушбу амаллар иштирок этиши, ёки сақланиб қолиши кутилган ҳолдир. Матнни шарҳлаш, изоҳлаш, талқин қилиш ва тушуниш тараёни маълум бир фараз таҳлили, фаросатли гумондан бошланиб, кейинчалик ушбу таҳминларни мавжуд фактлар билан қиёслаш ҳамда текшириш билан давом этади ва якунда моса, мазмун англаниши билан тугайди. П. Рикёрнинг тохича (Рикёр 1995), талқин ва шарҳ мазмунда яширинган маъно ва унинг шаклу-сиймосини заҳиралантирувчи фиккур фаолиятидир. Бунда ноаниқликларнинг пайдо иши, чалкашликларнинг юзага келиши кутилган ҳолдир. Бу сабаб, герменевтиканынг асосий шиори “тўғри англаш

учун кўпроқ тушунтириш лозимлиги" долзарб бўлиб қолаверади.

Герменевтик доира, жараённинг таржима фаолиятида икки карра кучайишини қайд этган Х.Д.Гадамер ушбу ҳолат сабабини таржима матнининг "янги оламда, яъни бошқа тил одамида" қабул қилинишида кўради. Айнан шу ҳолат аслиятга мутаносиблиқ, мослик муаммосини тұғдиради. Оқибатда таржимага нисбатан ишончсизлик муносабати пайдо бўлади. "Таржиманинг мусибати,-деб ёзди файласуф, - нутқий тузилмада акс топган мазмун - мақсадни бошқа тилдаги гап бўлаклари билан алмаштириш воситасида ифодалаб бўлмаслиги билан боғлиқ. Натижада, таржима қилинган китоблар одатда мудхиш маҳлуққа, руҳи суғуриб олинган ҳарфлар йигиндисига айланадилар" (Гадамер 1991: 59).

Таржима жараёнининг немис файласуфи тасвирлаётган ахволи ва натижалари бу қадар аянчли бўлишига ишониш қийин бўлса-да, лекин ушбу жараёнда баъзан "трагич ҳолат"ларнинг юзага келиб туриши кўп бора кузатилган. Бунинг оқибатида таржимага ва аслият ҳамда янги матн муносабатига нисбатан умидсизлик руҳиятининг пайдо бўлиши ҳам табиий. Ҳар бир тил дунёга нисбатан ўзгач қараш, муносабат манбаси ёки воситаси эканлигини таъкидлаган. Ҳумбольд ғоясига таянадиганлар таржималисоний ва маданий "фожиа" бўлишига ишонадилар. Аммо герменевтика йўналиши вакилларининг ҳаммаси ҳам бундан тушкунлик тарафдори эмас. Жумладан, Г.Штайнер таржима жараёнини таржимоннинг босқичма-босқич аслията мөхиятига "суқилиб кириши ва уни ўзлаштириб олиши" билан боғлади. Таржима ва аслият матнининг бундан муносабатида ишонч билан биргаликда, тажовузкорлик ва босқинчилик руҳияти, яъни матн мазмунини "асирга олиш" руҳияти устуворлик қиласи (Steiner 1975). Мазмунни "асирга олиш", уни эгаллаш ўз-ўзидан кечадиган ҳодиса, бунинг учун таржимои катта ҳажмдаги тафаккур ҳаракатларини бажариши билан бир қаторда, Ҳумбольдт айтган "тушуниң қонунияти"га амал қилиши керак бўлади. Ушбу қонунинг

биноан "ҳеч ким сўзни бошқа бирордек тушунмайди ва бу фарқ ҳатто кичик меъёрда бўлса ҳам, худди сув айланганидек, тилнинг бутун қатламидан сузib ўтади. Шу боис, ҳар қандай тушуниш айни пайтнинг ўзида тушунмасликдир, ҳиссиёт ва фикрдаги ҳар қандай мослик бир пайтда тафовут ҳамдир" (Гумбольдт 1984:84). Таржимашунос олим А.Н. Крюковнинг изоҳи эса бироз бошқачароқ, унинг талқинича, тиллараро мутаносибликни топиш қийин кечадиган ҳолатдир ёки умуман бундай мутаносибликни таъминлаш мақсадида тўлиғича таржимон амал қиласиган игона тамойил – тушуниш қонунидир (Крюков 1996).

Аслият матнини тушунишни устун кўядиган ва таржима жараёнига некбин муносабатда бўлиш деконструктивизмга юсдир. Ушбу йўналиш вакиллари аслият ва таржима матнлари оппозициясини унутиб, таржиманинг аслиятга мос келиши талабини кун тартибидан олиб ташлайдилар. Улар учун таржиманинг ўзиёқ аслият мавжудлигининг намунаси ёки исботидир. Таржима ҳеч қандай даъвосиз маъно багишлаш жараёни бўладиган бўлса, унда "аслият" ёки "бирламчи матн" тушунчалари ортиқча. Бундай давомсиз мантиқий лисоний фаолият таржимани янги мазмун пратувчи манбага айлантиради, натижада таржима матнида қўшимча маъно оттенкалари, мазмундаги англашинилмовчиликларнинг пайдо бўлиши табиий ҳол. Бундай кўпмъяньолик ва маънодаги ноаникликларнинг ечимини излаш кўпинча үкувчининг вазифасига айланади.

Мазмун ёки умуман мавжудликнинг сақланиш дарражасини белгилаш учун "соя (из) ўйини" тушунчасини Истеъмолга киритган Ж.Деррида таржима жараёни талқинига бошқача ёндашади. Унинг талқинича, таржима Мавжуд маънони сақлаб қолишдан кўра, "соялар ўйини" учун юй қолдириши, сарҳадларни кенгайтириб, бўлажак фарқлар умун йўл очиб бериши керак. Бундай талқин таржиманинг маъно узатувчи, қайта яратувчи, ва коммуникатив сокелантирувчи фаолият билан боғлиқ жиҳатларини сийкалаштиради. Бунинг ўрнига олим таржимани тилнинг

матнни янгиловчи маълум дақиқадаги ҳаракати сифатида қараш маслаҳатини беради. Таржима пайтида матннинг бу сифат янгиланиши ва тўлдирилишини изоҳлаш мақсадида немис тилшуноси Валтер Бенъяминнинг 1923 йилда нашр қилинганди "Таржимоннинг вазифаси" номли ишида кўлланилган Überleben, яъни "тилнинг тирик сақлаш" иборасига мурожаат қилиб, таржимоннинг вазифаси матнни ўзга тилга ўгираётуб, унинг янада "узоқроқ ва яхшироқ ҳаёт кечиришига замин яратиш" эканлигини уқтиради (Derrida 1985:178).

Хуллас, деконструктив ёндашувда аслият матни структура ва мазмун жиҳатидан етук эмас, структурунинг тугал эмаслиги уни доимо янгиланиш, "қайтарилиш"га ҳозиржавоб туришга мажбуrlайди. Тириклиқка интилиш охир-оқибатда таржимага эҳтиёж туғдиради ва шу йўсиндеги матннинг мавжудлик муддати кенгаяди. Ушбу жараёнга нафақат матнлар, балки тиллар ҳам маъкум. Шунинг учун ҳам Д. Деррида тилларни бир-биридан айри, жудоликдек қарашдан узоқлашиш лозимлигини уқтиради ва аксинчада уларни ўзаро боғлиқ ҳамоҳанглиқда ривожланувчи, ҳаёт кечирувчи ҳодисалар сифатида ўрганилишини маъқуллайди. Таржима айнан тилларнинг ўсиши, имкониятлариниң кенгайиши, бойиши учун хизмат қиласи.

Равшанки, деконструктивизм таржимани тамома аслиятга тобеликдан озод қиласи, ўхшашлик ёки эквивалентлик тушунчаларини ўққа чиқариб, таржима матнини ўз маданиятининг барча хукуқларга эга мулкигигайтанишига йўл очиб беради. Аммо деконструктивизмни етук, тугал методологик асос мақомида эътироф этиш қийин масала. Дерриданинг ғоялари, аслини олганда, таржима назарияси шаклини олишга улгурмаган эди, чунки улар қандайдир тавсиялар ёки тамойилларни таклиф қилиш учун етарли бўлмасдан, кўпроқ тиллар муносабатини изоҳлашгандек қаратилган. Тиллар ўртасидаги чегаранинг ўқотилиши эса таржима жараёни амалларининг жуфттиллик майдонидек эмас, балки ягона бир тил доирасида кечётгандек қилинади.

кўрсатади. Аслиятнинг йўққа чиқарилиши эса "муаллифнинг ўлими"га сабаб туғдиради. "Муаллифнинг ўлими" - эссеси муаллифининг таъкидича ("Ҳамма нарса айтиб бўлинган ҳайриятки, ҳамма нарса ўйлаб бўлингани йўқ") эргашадиган бўлсак, ижод самарасини йўққа чиқаришимиз муқаррар. Ҳолбуки, ўлаш ва айтиш ягона бир фаолият доирасида кечишини инкор этиш қийин вазифа. Шу сабаб, деконструкцияни вайронагарчилик йўлидан етаклагандан кўра, қайта жонлаштириш ҳаракатига бошлаганимиз маъқулроқ. Тажрибадан маълумки, бирор бир буюмнинг парчалари билан танишиш ушбу буюм ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини тўлиғича яратади олмайди. Шунинг учун ҳам, диалектика қонунларига эргашиб, шарҳлашни ўзаро тушунишнинг шартлари, тамойилларини қидириш билан машғул бўлиш маъкул йўлдир. Таржиманинг фалсафий асослари борасида қалам тебратган Андрю Бенъяминнинг таъбирича, "фавқулодда пайдо бўлган маъно йўқ нарсанинг эмас, балки маъно имкониятининг фаоллашувидир" (Benjamin 1985:180). Демак, таржима самарасининг асосий шарти - маънони қидириш ва уни тўлиқ ҳам тўғри англаб этишади.

Мазмунни охиригача англаб этиш ҳар қандай таржимоннинг орзузи экан орзунинг ушалганига ишониш қидирик роҳатбахш эканлигини ҳам яхши биламиш.

Шундай қилиб, таржимашунослик методологияси, бир томондан, умумфалсафий тамойиллар пойдеворида курилса, иккинчи томондан, таржима жараёни кечишининг диалектикаси ва синергетик қонуниятлари ҳақидаги билимга асосланади. Шу аснода шаклланадиган таржима назариясининг қонуниятлари доимий равишда мукаммалашиб бориб, таржима фаолиятининг назоратини таъминловчи методологик кўрсатмаларга айланади. Билиш фаолиятида назарияннинг тажриба амалиётидан ажратиб бўлмаслигини инобатга олиб, таржимашунсолик методологиясини ўз таркибида кечётгандек жараёнларни, ўз обьектини билишнинг тамойиллари ва методларини қамраб

олувчи назарий таъминот сифатида қарааш билан биргаликда, уни таржима жараённинг самарасини белгиловчи омиллар мажмуасидан ажратиб қўйишининг имкони йўқ. Кўрсатилган тамойилларнинг татбиқи тизимиийлик ва фаолият категорияларининг муносабати муаммосини пайдо қиласди ва ушбу муаммо ечимини излаш синергетик тараққиёт, систем тафаккур қонуниятларига мурожаат қилишни тақозо этади.

Таржима жараёни тадқиқининг методологик асосини шакллантиришга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги ҳозирги пайтта келиб катта ҳажмдаги фактлар тўпланганлигидан ташқари, ушбу фактлар миқёсининг ўсиб боришига сабаб туғидарадиган омилларнинг кўпайиши билан боғлиқ. Бу, энг аввало, билиш жараённинг воқеликдаги конкретликдан тафаккурдаги мавхумлаштириш сари ҳаракати мобайнида таржима фаолиятининг маълум қисмлари, категория ва бирликлари ҳақида тўпланган билимдир. Таржимашунослик фани тараққиётининг янги босқичи таржимага оид ҳодисаларни тамоман янги йўналишларда тадқиқ этилишини талаб қиласди. Бундан ташқари, таржима методологияси олдида таржимашунослик фанининг обьекти ва назарий таҳлил мақсадини фарқлаш, ушбу фаннинг бошқа илмий соҳалар билан алоқасини аниқлаш ҳамда таржимада лисоний бирликлар танловининг назоратини таъминловчи омиллар, қоидалар мажмуасини белгилаш каби долзарб вазифалар турибди. Ушбу муаммолар муҳокамасига фақат обьектив борлиқдаги нарса-ҳодисалар, сабаб-оқибат муносабатига таянган ҳолда киришганимиз маъқул. Зотан, ҳар қандай илмий тадқиқ, билиш ҳаракати, бир томондан, алоҳида бир ҳодисанинг бошқа ҳодисалар билан ўзаро алоқасини ўрганишини талаб қилса, иккинчи томондан, ўрганилаётган обьектининг пайдо бўлиш ва ривожланиш сабабларини аниқлашга даъват этади.

Биринчидан

Биринчидан

Биринчидан

## II БОБ

### ТАРЖИМА ФАОЛИЯТИ ВА БИЛИМ ЗАХИРАСИ

Таржима жараённинг когнитив хусусиятлари таҳлили таржима фаолиятининг концептуал асослари, таянчини аниқлашни талаб қиласди, бунингсиз узоқ давр мобайнида тўпланган соҳага оид фактларни шарҳлаш имконияти йўқолади. Шундай концептуал асослардан бири, албатта, таржима фаолиятининг билим заҳирасига боғлиқлигидир, зотан ҳар қандай оқилона фаолият, ҳаракат мавжуд билим қамровида, унинг доирасида бажарилади. Билимнинг жамланиши – тадрижий жараён, уни фавқулодда ёки беихтиёр эгаллаш қийин масала, у асосан тажриба замира, босқичма – босқич тўпланади. Ҳатто билвосита, ахборот узатувчи воситалар орқали ўзлаштирилаётган билим ҳам ҳақиқат кўринишини олиши учун маълум синовлардан ўтиши керак. Ўзлаштирилаётган билим синовдан ўтганидан сўнг инсон хотирасидан ўрин олиб, захира қийматига эга бўлади ва қайта – қайта фаоллашув имкониятини ҳосил қиласди. Бундай имкониятдан холи билимнинг хотирадан ўчиб кетиши ҳеч гап эмас. Билимнинг қадрияти – унинг ҳаракатда бўлишида. Билимни ахборот манбаи сифатида қадрлайдиган бўлсақ, унда бу ахборот натижага йўналтирилиши, ундан фойдаланиш самарага олиб келиши зарур.

Таржимон фаолияти-интеллектуал, ақл ила, босқичма-босқич бажариладиган ҳаракатлардан иборат. Унинг билан шуғулланаётган шахс даставвал қўйилаётган вазифани тўлиқ белгилаши ва ҳаракат йўналишини аниқлаб олиши зарур бўлса, кейинги ўринларда режа тузиши, таржима амалларини излаши, танлаши ва улардан фойдаланиши, ниҳоят, эришилган натижани белгиланган мақсад, вазифага қайдаражада мос келишини синааб кўрмоғи даркор. Санаб ўтилган фаолият босқичлари турли кўринишга, мазмунга эга бўлса-да, аммо улар таржима жараёнида ягона, умумлашган структура сифатида намоён бўладилар. Алоҳида қисмларнинг

Цвиллинг М.Я. Эвристический аспект перевода и развитие переводческих навыков//Чтение. Перевод. Устная речь.-М.:Наука, 1977.-С.172-180.

Шахнарович А.М. Внутреннее программирование в процессе перевода // Совершенствование перевода зарубежной НТА. - М.: 1978.

Швейцер А.Д. Перевод и лингвистика. - М.: Воениздат, 1973. - 280 с.

Шекспир В. Сайланма (Жамол Камол таржимаси) I-III жиллар.-Т.:Фан, 2008.

Ширинова Р. Бадий таржимада олам миллий манзараси. -Т.: "Turon Zamin Ziyo", 2017.

Шмелев А.Д. О словаре ключевых слов русской языковой картины мира // Русский язык сегодня. Вып. 3. - М.: И-т рус. яз. им. В.В.Виноградова, 2004. - 347-353.

Щедровицкий Г.П.Избранные труды. - М: 1995. - 427с.

Якобсон Р. В поисках сущности языка // Семиотика. - М: Радуга, 1983. -С. 37-89.

Якобсон Р.Формальная школа и современное русское литературоведение. - М.: Языки славянских культур, 2011. - 280 с.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	4
I Боб. Таржима назариясининг методологик пойдевори.....	20
II Боб. Таржима фаолияти ва билим заҳираси .....	47
III Боб. Таржима жараёни тадқикининг когнитив тамоилилари.....	67
IV Боб. Таржима фаолияти ва лисоний онг.....	92
V Боб. Таржима жараёнини лингво-когнитив моделлаштириш.....	110
VI Боб. Маъно ва таржима муаммоси .....	132
VII Боб. Воқелик идроки ва таржима фаолияти .....	167
VIII Боб. Таржимада услуб ва восита танловининг когнитив амаллари.....	190
IX Боб. Таржимоннинг лисоний фаолияти .....	211
X Боб. Таржима компетенцияси ва уни шакллантирувчи омиллар.....	232
Резюме (Ўзбек тилида) .....	264
Резюме (инглиз тилида) .....	271
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	276

## CONTENTS

Foreword .....	4
Chapter I. Methodological basis of translation studies .....	20
Chapter II. Translation activity and knowledge .....	47
Chapter III. Cognitive Principles of investigating the translation process .....	67
Chapter IV. Translation activity and linguistic mentality .....	92
Chapter V. Linguocognitive models of the translation process	110
Chapter VI. Meaning and translation problem .....	132
Chapter VII. World perception and translation activity .....	167
Chapter VIII. Cognitive operations of selecting the style and means.....	190
Chapter IX Linguistic activity of the translator .....	211
Chapter. X. Translation competence and it's formation.....	232
Resume (in Uzbek).....	264
Resume (In English) .....	271
References.....	276

УЎК 542.24.(18)  
КБК 81.09 (Ўзб)  
С-17

Сафаров Шахриёр

ТАРЖИМАШУНОСЛИКНИНГ КОГНИТИВ АСОСЛАРИ

Монография

Муҳаррир: Нафиса Рустамова  
Мусаҳдид: Нигора Тожиқулова  
Тех.муҳаррир: Ҳайитбой Амирдинов

«Наврўз» нашриёти ДУК, Тошкент - 2019

ISBN 978-9943-565-22-7

Нашриёт гувоҳномаси АИ № 170.29.12.2009

11.07.2019 йилда босишига рухсат этилди:  
Офсет босма қофози. Қоғоз бичими 60×84<sub>1</sub>/16.  
"Cambria" гарнитураси. Офсет босма усули.  
Ҳисоб-нашриёт т. 18,75. Шартли б.т. 12,94.  
Адади 300 нусха. Буюртма №270.

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.  
Манзил: Самарқанд ш, Бўстонсарай кўчаси, 93.